

4. Центр экономических исследований и реформ при Администрации Президента Республики Узбекистан "Правда Востока" №103 от 16 мая 2020 года <http://review.uz/ru/post/cifrovaya-ekonomika-v-centre-vnimaniya>

5. Индикаторы науки. Статистические сборники ВШЭ. – 2018. – Москва. – [Электронный ресурс] URL: <https://www.hse.ru/primary data/in>.

Самадов Азиз Олим ўғли,
ТДИУ, ЕК– 91 гурӯҳ талабаси
Касимов Азамат Абдукаримович,
ТДИУ, PhD, илмий раҳбар

САНОАТ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Уибӯ тезисда иқтисодиётнинг асосий тармоғи бўлган саноат ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарии ҳажми ҳамда бошқа макроиқтисодий кўрсатгичлар таҳлил қилиниб, саноат тармоғини янада ривожлантиришининг асосий йўналишилари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: инвестиция, саноат, модернизация, диверсификация.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейин иқтисодиётнинг барча соҳалари қаторида саноат тармоқларида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунда саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилиб, давлат акциядорлик, корпоратив, жамоа, хусусий ва бошқа ташкилий ҳуқуқий мулк шаклларига айлантирилди.

Республика иқтисодиётида муҳим ўринда турадиган саноат тармоқларида тузилмавий қайта таркиблаш амалга оширилди. Чет эл капитали билан ҳамкорликда саноат тармоқларида кўплаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда кўшма корхоналар ташкил этилди.


Бинобарин, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли бекиёсdir. Шу сабабли унинг ривожи ва самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ҳамда аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради [1]. Таъкидлаш лозимки, саноат тармоқлари орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуига хизмат кўрсатувчи пахта тозалаш, мато тўқиши, консерва, ёғ– мой ишлаб чиқариш каби тармоқлар етакчи мавқеига эга бўлиб келган.

Республика агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ва ижтимоий ўзаро боғланиши, яъни, интеграциялашуви натижасида, кенг кўламда меҳнат тақсимоти амалга оширилмоқда [2]. Бундан ташқари, кимё ва нефтни кимёси, машинасозлик, электроника, энергетика, металлургия, енгил ва қурилиш материаллари саноати жадал суръатларда ривожланмоқда. Саноат тараққиётида ёқилғи энергетика комплексининг ўрни алоҳида. У ўзида газ, кўумир, нефть ва нефтни қайта ишлаш ҳамда энергетика саноатларини қамраб олади. Жумладан, бугунги кунда республикада 91,2 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият юритмоқда. Шундан, 6,2 мингтаси 2021 йилнинг ўзида ташкил этилган. Албатта, бугунги кунда саноат ишлаб чиқаришига асосланган иқтисодиётдан

хизмат кўрсатиши соҳаси ривожланган иқтисодиётга ўтиш анча силлиқ кечди. Буни барча ривожланган мамлакатлар амалиёти кўрсатиб турибди. Аммо, бу жамиятда бандлик ва мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида катта ўзгаришларга олиб келди.

Зеро, жаҳон иқтисодиётида истеъмол ва ноистеъмол товарларининг учдан икки қисми айнан саноат тармоқларида ишлаб чиқарилади. Расмий статистик маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг қарийб 47,8 фоизи ва жами бандликнинг 22,4 фоизи айнан саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келади [3]. Халқаро тажрибалар саноат ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий– иқтисодий тараққий этиши, иқтисодий мустақилликка эришиши, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва бандлик муаммоларини бартараф этишда ҳам муҳим тармоқ эканлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2021 йилда республика саноат тармоғида 3170,1 минг киши (1883,3 минг нафари саноатда ва 1286,8 минг нафари қурилишда) банд бўлиб, бу жами бандликнинг 23,4 фоизини ташкил этади. Шунингдек, 2016– 2021 йилларда саноат (қурилишни қўшган)да йиллик ўртacha бандлик 3648,8 минг кишини ташкил этган бўлса, бу 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 1,05 бараварга кўпайган. Ушбу кўрсаткичлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида, хусусан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 2021 йилда 3502,1 минг киши банд бўлган бўлса, бу 2016 йилга нисбатан 0,96 га камайган, хизматлар соҳасида эса 6866,7 минг киши банд бўлиб, 2016 йилга нисбатан 1,04 бараварга ошган.



1–расм. 2016–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўртacha ўсиш суръати ва унинг жами саноат маҳсулотларидағи улуси, фоизда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2021 йилда мамлакатимизнинг жами саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришида юқори улуш Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Жумладан, Тошкент шаҳрида 86099,6 млрд. сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами саноат маҳсулотларининг 19,1 фоизини ташкил этади. Тошкент вилоятида эса 83202,4 млрд. сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами саноат маҳсулотларининг 18,4 фоизи, Навоий вилоятида 73631,1 млрд.

сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами саноат маҳсулотларининг 16,3 фоизини ташкил этган. Шунингдек, жами саноат маҳсулотларининг қолган 8,0 фоизи Андижон, 6,2 фоизи Фарғона, 5,0 фоизи Самарқанд, 4,6 фоизи Бухоро, 4,1 фоизи Қашқадарё, 3,7 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, 3,2 фоизи Наманганд, 3,0 фоизи Хоразм, 2,2 фоизи Сирдарё, 1,9 фоизи Жиззах ва 1,5 фоизи Сурхондарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келган (1–расм).

Сўнги йилларда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг экспортдаги улуши жадал ошиб бормоқда. Зоро, Президентимиз “Янги бозорларга кириш учун саноатга халқаро стандартларни кенг жорий қилиш ҳам зарур. Мисол учун, 2019–2021 йилларда тўқимачилик йўналишидаги 2 мингта корхона халқаро сертификат олгани ҳисобига уларнинг экспорти 1,5 баробарга ошган” [9] деб таъкидлади.

2021 йилда республика бўйича ташқи савдо айланмаси 42071,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Шундан, 16610,6 млн. АҚШ долларини экспорт ва 25461,0 млн. АҚШ долларини импорт ташкил этади. 2020 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси 116,0 фоиз, экспорт 110,0 фоиз ва импорт 120,4 фоизга ўсган.

Ташқи савдо айланмасининг 15867,8 млн. АҚШ доллари, шундан 5407,6 млн. АҚШ доллар экспорт ва 10460,2 млн. АҚШ доллар импорт МДҲ давлатлари билан амалга оширилган бўлса, бошқа давлатлар билан ташқи савдо айланмаси 26203,7 млн. АҚШ доллари, экспорт ҳажми 11203,0 млн. АҚШ доллар ва импорт ҳажми 15000,8 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Саноат корхоналари фаолиятини янада ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш учун қўйидагиларни таклиф этамиз:

- илгор маҳаллий технологияларни ишлаб чиқиш, замонавий ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига маҳсулотларнинг рақобат–бардошлигини ошириш;
- тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш;
- мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, маънавий эскирган, кўп харажатли технологиялар ўрнига янги замонавий технологиялардан фойдаланиб, корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишлашини таъминлаш;
- кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ҳар томонлама қўллаб– қувватлаш ва рағбатлантириш малакали мутахассислар билан тўлдириш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, саноат корхоналарни замонавий ва ҳар томонлама тежамкор техника– технологиялар билан қуроллантириш ҳамда бугунги тараққиёт талаби даражасидаги малакали кадрлар билан таъминлаш соҳада улкан натижаларга эришиш имконини оширади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик – Т.: ТДИУ, 2004.– 18 б.
2. Абдуғаниев А. Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004.– 24 б.
3. UNIDO. Pocket Guide to World Statistics – 2020. SeriesV, №42. p.1– 19.
3. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.